

- **Ходимнинг бир куни**

ЭРТАГА ОШИҚАЁТГАН ВАҚТ

Тепасига байроқ илинган хизмат уйидан чиқкан профилактика инспектори тўғри Жиззахлик маҳалла фуқаролар йиғини биноси томон йўл олди. Шахдам қадам ташлаганча, соатига қараб қўйди: 7.30. Худди шу вақтда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одил Қурдатов билан учрашиши керак эди. Дарҳақиқат, кўча бошида ёши элликни қоралаган, қарашлари ўткир раис кутиб турарди.

Салом-аликдан сўнг келишиб олганлари бўйича ўтган куни уйида ёнғин содир бўлган Жасур Аҳмеджоновнига боришиди. Кул ва чиқиндиларни тўплаётган уй эгаларига тасалли бердилар. Майорнинг биздан нима ёрдам мазмунидаги саволига хонадон соҳиби “Агар автоулов бўлганида, чиқиндиларни олиб чиқиб ташлардик”, дея жавоб қайтарди.

Профилактика инспектори уяли телефонини қўлга олиб, шу ҳудудда яшовчи юқ машиналари эгаларига сим қоқа бошлади. Ҳайдовчиларнинг ҳам маҳалладошларига иchlари ачиб турганмикан, дарров келадиган бўлишди.

Бу уйдан узоқлашар экан профилактика инспектори туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисми билан боғланиб, хизматни бошлагани, маҳаллада вазият тинч эканлигини баён қилди. Шунингдек, ўтган суткада рўй берган жиноят ва ҳукуқбузарликлар тафсилотлари билан қизиқди.

Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани ИИБ 9-сонли ички ишлар бўлинмаси профилактика инспектори, майор Ойбек Дувлановнинг навбатдаги иш куни шу тарзда бошланди. Инспектор одатига қўра, автомашинасида “Жиззахлик” маҳалласи кўчаларини айланишга киришиди. Бироздан сўнг оқ “Матиз” паст дарвозали хонадон қаршисида тўхтади. У мазкур уйда яшовчи отахоннинг ҳолидан тез-тез хабар олади. Ичкарига кириши билан турар жой эгасининг кўзларига ёш инди, ёлғизлигидан шикоятланиб, гапира-гапира енгил тортган бўлди. Кетар чоғи ҳол сўраб тургани учун ички ишлар ходимини узоқ дуо қилди.

Ҳудудида икки нафар ёлғиз қария бор. Уларни маҳалла фуқаролар йиғини қарамоғига олган, моддий ёрдам ва озиқ-овқат билан таъминлайдилар. Мактаб ўқувчиларидан таркиб топган Темурийлар гуруҳи аъзолари эса кексаларнинг уйларини ҳар ўн кунда бир марта саранжом-саришта қилиб беришади.

Кўчаларни назорат қиларкан, учраганларга ис газидан заҳарланишининг олдини олиш бўйича тушунча беришни канда қилмади. Кўп ўтмай профилактика инспектори маҳалладаги 4-сонли умумтаълим мактабига кириб борди. Майор бу ерда давоматни ўрганади. Ўқув муассасаси раҳбарининг жавобидан кўнгли тўлди. Ўртacha кўрсаткич 96-97 фоизни ташкил қиласяпти, ёмон эмас.

Агар қайсиdir ўқувчи қаторасига икки кун келмаса, мактаб директори ўринбосари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан бирга ўша хонадонга боришиди. Ўқувчи ва унинг ота-онаси билан суҳбатлашиб, дарс

қолдириш сабабини ўрганадилар. Муаммо аниқлангач, бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Соат 11 га яқинлаб қолганида маҳалла фуқаролар йиғини раиси телефон қилиб, оиласи низони ҳал қилиш учун фуқаролар йиғинига келиши зарурлигини билдириди. Инспектор етиб борганида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис йиғидан кўзлари қизарган аёлнинг дардини тингларди. Маҳалла фаоллари эса имом-хатиб бошчилигида эркак билан суҳбатлашарди. Майор Ойбек Дувланов саломлашганча улар қаторига қўшилди.

Профилактика инспектори бундай пайтларда нима қилиш кераклигини яхши билади. Томонлар билан дастлаб алоҳида гаплашиш лозим, аниқроғи, сабр билан эшитиш зарур, токи дилидаги бор гапларини тўкиб солсин, ҳовуридан тушсин. Бу жараёнда кимга нима ҳалақит қилаётгани аёnlашади. Кейин эркак ва аёлнинг психологияси ҳамда кайфияти инобатга олиниб, таъсир ўтказилади. Вазиятга кўра фуқаролар йиғини ёки бошқа идораларни жалб қилиш йўли билан руҳий ёхуд иқтисодий ёрдам кўрсатилади, ишга жойлаш чоралари белгиланади. Қисқаси, айни воқеада ҳам муроса йўли танланди.

— Ички ишлар органлари фахрийси сифатида айта оламанки, маҳалламиз профилактика инспекторидан ёлчиган, — дейди Жиззахлик маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одил Қурдатов. — Ойбек Дувланов масъулиятли, ўз ишини яхши биладиган, ҳалол ходим. Маҳалладаги ҳар бир ишни биргаликда ҳал қиласиз. Шу боис жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги кўрсаткичларимиз талаб даражасида. Худди шундай, оиласи ажримларга ҳам йўл қўйилмаяпти. Жумладан, 2019 йилда оиласи келишмовчиликлар бўйича қилинган мурожаатларнинг барчаси ижобий якун топди, 35 та оиласи ажримнинг олди олинди.

Соат иккига яқин профилактика инспектори тушлик қилиш учун хизмат уйига кириб келди. Мактабдан қайтган қизлари, ўғли билан бир муддат суҳбат қурди, уларнинг ўқиши билан қизиқди. Соҳа вакилларининг хизмат уйлари ва имтиёзли шартларда автомобиллар таъминланиши уларга доимо ҳалқ ичидаги бўлиш бирга оиласига етарлича вақт ажратиш имконини берди.

У тушлиқдан сўнг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчисини ёнига олиб, профилактик ҳисобда турган фуқароларнинг иш ва туар жойларида бўлди. 4300 киши истиқомат қиладиган Жиззахлик маҳалласида бундай шахслар 7 нафарни ташкил қиласи. Шу йил жазони ўташ муассасасидан қайтган 2 кишини ўзи бош бўлиб савдо дўконига ишга жойлаб қўйди. Токи қайта жиноятга қўл уришмасин. Уларга бириктирилган мураббийлар билан тез-тез суҳбат қуради. Профилактик ҳисобда турганларнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар билан қизиқади, кечкурунлари қаерда бўлишини суриштиради.

— Ойбек Дувланов энг ибратли ходимларимиздан бири, — дейди Жиззах вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи,

полковник Жўрабек Авазов. — Унинг саъй-ҳаракатлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги натижаси ўлароқ жорий йилда Жиззахлик маҳалласида бирорта ҳам жиноят рўй бермади. У Шароф Рашидов туманидаги кўплаб профилактика инспекторларига устозлик қилмоқда. Пайшанба — ҳукуқбузарликлар профилактикаси куни доирасида амалга ошираётган ишлари худудда намуна сифатида қабул қилинган.

Қуёш ботганида инспектор савдо дўконлари ва овқатланиш шохобчалари жойлашган кўчаларни айланиб чиқади. Кимдир ширакайф бўлиб, ножўя ишга кўл урмасин, дейди. Қисқаси, ички ишлар ходимининг бедорлиги ҳар қандай нияти бузуқни эгри йўлдан қайтаришига оид нақлга қатъий амал қиласди.

Осмонни юлдузлар тўлдирганида у жамоатчилик назорати масканида навбатчиликка киришган ёрдамчиси ҳамда фаол ёшларга топшириқ берди. Бу ердаги ишларини тугатиб, энди автоуловига ўтирмоқчи эди, телефони жиринглади. Таниш рақамни кўриб юзига табассум югурди, яшил тугмани босганича деди: “Ассалому алайкум ота”. Рустам бобо ҳар доимгидек ўғлининг иши, соғлиги билан қизиқди, энг сўнггида “ўзингни авайла, қиши ҳавоси, яхши кийинганмисан?”, дея меҳрини сездирди.

Суҳбатдан сўнг профилактика инспектори, майор Ойбек Дувланов маҳалла кўчаларини бир қур айланиб чиқди-да туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисми билан боғланиб, маълум қилди: “Маҳаллада вазият тинч”.

Бу гапдан ўзининг ҳам кўнгли хотиржам тортгандек эди гўё. Беихтиёр қўлидаги соатга қаради. Миллар тинимсиз айлангача эртанги кун сари ошиқарди. Инспектор автоуловининг рулини уйи томон бурди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,
“Postda” мухбири.
Жиззах вилояти.**